Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 104 (3605)
ЧОРШАНБА
10 МАЙ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ, КАСАБА СОЮЗЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ШАҲАР КОМИТЕТИДА

МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИ

ШАҲАРДАГИ РАЙОНЛАР, САНОАТ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА КОРХОНАЛАРИ ҚОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ 1978 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ КВАРТАЛИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, касаба союзлар Тошкент область Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети 1978 йилнинг биринчи кварталидаги шаҳардаги районлар ва корхоналар ўртасидаги социалистик мусобақанинг якунларини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи районлар ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиққан **Ленин районига** (Ўзбекистон КП район комитетининг секретари И. И. Федоринов, район ижроия комитетининг раиси М. М. Қаххоров, район комсомол комитетининг секретари Ш. Х. Шукурова) берилди. Бу район маҳсулот реализация қилиш бўйича квартал планини 102,9 процент бажарилишини таъминлаб, ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини юксалтириш орқали эришди ва биринчи квартал социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этди.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва шаҳар комсомолининг енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроғи **«Узбитхимпласт» бирлашмасининг синтетик ювиш воситалари заводи** коллективига (директори А. Н. Мелкумов, партия ташкилотининг секретари Ю. Г. Ильин, касаба союз комитетининг раиси М. П. Радзиевская, комсомол комитетининг секретари Б. Алимов) берилди. Бу корхона маҳсулот реализация қилиш бўйича квартал планини 106,8 процент бажариб, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилнинг шу даври билан солиштирганда 36,1 процент ўсишини таъминлади, биринчи квартал социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этди.

Тошкент шаҳар партия комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва шаҳар комсомол комитетининг транспорт ва алоқа корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроғи Тошкент метрополитени коллективига (бошлиғи Ш. Р. Шобдурахимов, партия ташкилотчининг секретари А. К. Кривохижин, касаба союз комитетининг раиси У. С. Сапаев, комсомол ташкилотининг секретари М. Н. Ибрагимов) берилди. Бу корхона йўловчилар ташиш бўйича квартал планини 107,8 процент, даромад планини ҳам 107,8 процент бажариб, вагонларнинг линияга план бўйича чиқарилишини ва ҳаракатнинг бир маромда бўлишини таъминлади.

Шу нарса таъкидландики, шаҳардаги районларнинг қурувчилари орасида биринчи квартал иш якунлари бўйича капитал қурилишда Фрунзе районя қурилиш-монтаж ташкилотлари коллективлари энг яхши натижаларга эришди. Улар асосий фондларни ишга тушириш бўйича планни 113 процент бажаришди. Қурилиш-монтаж ишлари плани эса 110 процент адо этилди. Улар капитал маблағларни ўзлаштириш бўйича топшириқни 116 процент, меҳнат унумдорлигини юксалтириш топширигини эса, 103 процент адо этишди.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи **Тошкентдаги 1-уй-қурилиш комбинати** коллективига (бошлиғи Э. Р. Рустамов, партия комитетининг секретари В. Г. Кочемасов бирлашган касаба союз комитети раиси М. А. Абдуллажонов, комсомол ташкилотининг секретари Г. Х. Пўлатова) берилди. Бу корхона беш пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишлари планини 100,1 процент, шу жумладан ўз кучлари билан 100,3 процент бажаришди, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва таннархини арзонлаштириш бўйича топшириқларни ҳам муваффақиятли адо этишди.

Шаҳар Ҳукумат тахтасига шаҳардаги 38 саноат, қурилиш ва транспорт корхонаси ёзилди.

Правда саҳифаларида

● Буюк Ғалабадан кейинги ўттиз учинчи баҳорнинг 9 май куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосарлари Совет Иттифоқи маршаллари Н. В. Огарков, В. Г. Куликов, С. Л. Соколов, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи армия генерали А. А. Епишев ва бошқа ҳарбий бошлиқлар қаҳрамонлар хотирасини ёд этиш учун Номаълум солдат қабрига келдилар.

Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига ва пойтахтга «Қаҳрамон шаҳар» унвони берилиши шарафига Москвада ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди.

Ғалаба кунига бағишланган тантанали маросимлар барча иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида ва қаҳрамон шаҳарларда бўлиб ўтди.

● КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган расмий визити якунларини совет кишилари қизғин маъқуллашмоқдалар. Бугун газетада ана шу мазмундаги мактубларнинг бир қисми эълон қилинган.

Байроқ топширилди

КЕЧА

Тошкент заргарлик заводи коллективига министрликнинг кўчма Қизил байроғи топширилди.

Завод коллективи ўтган беш йилликнинг зарбдор меҳнат йили биринчи кварталида барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича юқори натижаларга эришиб, пландан ташқари 145 минг сўмлик маҳсулот реализация қилгани ҳамда турдош корхоналар ўртасидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақада фахрли ўринни эгаллаганлиги учун ана шундай юксак муковофотга сазовор бўлди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда тошкентлик заргарлар сифат ва самарадорликни ошириш борасида кўпгина ишларни амалга оширдилар. Кўплаб янги техника, асбоб-ускуналар ўрнатилди. Эндиликда қуюв (гальваник) участкаси, асбобсозлик ва қимматбаҳо буюмлари цехлари коллективлари плантопшириқларини муntазам ошириб бажариш имкониятига эга бўлишяпти.

Кўплаб кенг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаравтган «Малина» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўртасида беш йиллик шахсий топшириқларини уч ярим йилда бажариш ташаббускорлари сафи ой сайин ортиб боряпти. Ана шундайлардан бири сиз суратда кўриб турган тўқув цехининг моҳир тўқувчиси ком. мунистик меҳнат зарбдори Татьяна Кардашдир.

М. Нуриддинов фотоси.

ҒАЛАБА ҚОЗОНИШНИ ЎРГАТАДИГАН КИТОБЛАР

Куйбишев район партия комитетида партия, совет, комсомол, хўжалик ходимлари, Улуғ Ватан уруши ветеранлари, район идеология активлари иштирокида ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» асарларининг муҳокамасига бағишланган китобхонлар конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияни Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари Т. Э. Эргашев кириш сўзи билан очди. В. И. Ленин номли Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юрти марксизм-ленинизм кафедрасининг бошлиғи доцент А. И. Линев «Совет Армиясининг Кичик ердаги қаҳрамонона ғалабаси» мавзуида доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан конференция қатнашчилари — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг проректори, 18-армия ветерани, истеъфодаги полковник М. И. Муродов, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, шоира Х. У. Худойбердиева, Улуғ Ватан уруши ветерани С. Д. Коротков, Тошкент экскаватор заводининг крановщиги, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Т. А. Гаврилова ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» китоблари улкан тарбиявий ва мафнуравий аҳамиятга эга бўлган ниҳоятда ватанпарвар асарлардир, деб таъкидладилар. Бу китоблар совет кишиларини интернационализм, қардошларча бирдамлик руҳида тарбиялайди, барча қийинчиликларни енгиб ўтишга умумиши учун, коммунистик идеаллар тантанаси учун курашишга ўргатади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг китоблари ленинча яшаш ва меҳнат қилишга ўргатади, партиянинг омма ўртасидаги ташкилий ва сиёсий иш тажрибаларини ҳазмасини бойитади. Бу асарлар район меҳнаткашларини КПСС XXV съездн қарорларини муваффақиятли амалга оширишга, ўнинчи беш йиллик планларини бажаришга сафарбар этишда район партия ташкилоти учун муҳим қўлланма бўлиб қолади.

КИНОФЕСТИВАЛЬ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАР УЧУН

Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг бешинчи Тошкент Халқаро кинофестивали очилишига сал кам икки ҳафта қолди. Уч қитъа кинематографчилари навбатдаги анжуманнинг ташкилотчилари, шу жумладан биргa, республика енгил ва маҳаллий саноатининг кўпгина корхоналари ҳам бу муҳим воқеага тайёргарлик кўрмоқдалар. Бир қанча министрликларнинг раҳбарлари ЎЗТАГ мухбирларига шу ҳақда гапириб бердилар.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министри М. Х. Курбонов буқдай деди:

— Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари учун тармоқ ходимлари чиройли буюмларни тайёрламоқдалар: ўнта корхона V Тошкент кинофестивалининг эмблемаси қўйиладиган маҳсулотларни чиқариш билан банд.

Тошкент ва Самарқанд чинни заводлари фестивалга атаб «Пахта», «Чаман гули», «Узум» ва бошқа чойпак-пиёлаларни, Ўзбекистоннинг ҳозирги замон ва қадимий архитектура ёдгорликлари тасвирланган лаганларни, турли идиш ва вазаларни чиқардилар. Тошкентдаги «Учқун» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташгирушка», спорт товарлари фабрикалари сувенир рўмоллари, сумкалар, ўйинчоқлар ва бошқа буюмларни чиқаришни ўзлаштириб олишди. Тошкент тўқимачилик комбинати май ойида бўладиган кинофестивалга атаб чиқарган газламаларга баҳор кайфиятини кучайтирадиган алоҳида гуллар солинган.

Тажриба шуни кўрсатадики, чет эллик ва Совет Иттифоқининг бошқа республикаларидан келган меҳмонлар миллий газламаларни айниқса хуш кўрадилар. Жумладан, машҳур ўзбек хонатласи айниқса харидоргирдир. Маргилон «Атлас» фирмаси ва Наманган авруи газламалар комбинати навбатдаги киноанжуманга атаб ана шу атласдан минг-минг метрлаб чиқарадилар. Атлас ва газламалар савдо шохобчаларига чиройли қоғозларга ўраб чиқарилмоқда. Буюмларимиз фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларига мажбур бўлади, деб ўйлаймиз.

Маҳаллий саноат министри Г. Насриддинов буқдай деди:

— Тошкент Халқаро кинофестивали иштирокчиларига эсдалик совғалари ва сувенирларини тайёрлаш маҳаллий саноат ходимлари учун яхши анъана бўлиб қолди. Совғалар бу йил айниқса ранг-баранг бўлади: буюмларнинг 60 туридан туҳфа ва сувенирлар тайёрланган. Булар зардўзлик ва сопол буюмлар, ёғочга солинган нақшлар ва турли кашталар, музика асбоблари ва миллий пойафзал, билакузуклар, кеплар, кармонлар. Сувенирларнинг ҳаммасига кинематографчилар Тошкент анжуманининг эмблемаси қўйилади.

Сувенирлар орасида республикада биринчи марта ишлаб чиқариш йўлга қўйилган анчагина янги буюмлар бор. Масалан, Тошкент сувенир фабрикасининг усталари ажойиб гуллар билан безатилган заранг косалар ва тарелкаларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг чеварлари осон бўлмаган вазифани уддаладилар. Улар машиналарни араб ҳарфи билан хат ёзишга «ўргатдилар».

Коллекционерлар ҳам унутилгани йўқ. Улар учун министрликнинг Давлат маҳсус бадиий конструкторлик-технология бюросининг рассомлари фестиваль эмблемаси қўйилган значокларнинг беш турини ишлаб чиқдилар. Оржоникидзе районидаги манший-ҳўжалик буюмлар фабрикаси, Тошкент сувенир фабрикасининг усталари ажойиб гуллар билан безатилган заранг косалар ва тарелкаларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг чеварлари осон бўлмаган вазифани уддаладилар. Улар машиналарни араб ҳарфи билан хат ёзишга «ўргатдилар».

Коллекционерлар ҳам унутилгани йўқ. Улар учун министрликнинг Давлат маҳсус бадиий конструкторлик-технология бюросининг рассомлари фестиваль эмблемаси қўйилган значокларнинг беш турини ишлаб чиқдилар. Оржоникидзе районидаги манший-ҳўжалик буюмлар фабрикаси, Тошкент сувенир фабрикасининг усталари ажойиб гуллар билан безатилган заранг косалар ва тарелкаларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг чеварлари осон бўлмаган вазифани уддаладилар. Улар машиналарни араб ҳарфи билан хат ёзишга «ўргатдилар».

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИБ

Ҳамза район партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда район партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига сафари вақтида баён этган асосий қоидаларидан келиб чиқувчи вазифалари, шунингдек Ҳамза ва Куйбишев районлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1978 йил 1 кварталги якунлари муҳокама қилинди.

Докладчи — Ўзбекистон КП Ҳамза район комитетининг биринчи секретари А. С. Икромов, активда сўзга чиққан— В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Ф. Нажмитдинов, «Ташсельмаш» заводи тунукасозларининг бригадири М. Мўйдинов, қоғоз фабрикасининг директори Н. Сайдвалиев, актив ишида иштирок этган Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари Т. Эргашев ва бошқалар коммунистлар, районнинг барча меҳнаткашлари Л. И. Брежнев Сибирь ва Узоқ Шарқ районларининг меҳнаткашлари ва партия активи билан учрашув чоғида баён этган кўрсатмалар ва тавсияларни оғишмай ижро этиш учун дастуруламал сифатида қабул қилганликлари ҳақида гапирдилар. Бу кўрсатмалар беш йилликнинг учинчи йили план ва социалистик мажбуриятларини бажариш ҳамда ошириб адо этиш учун курашнинг жанговар программаси сифатида қабул қилинди.

Маълумки, Ҳамза район саноати квартал планини 29 мартда адо этди. Бу қабул қилинган мажбуриятлар ҳисобига қўшимча 7 миллион сўмликдан зиёдроқ буюмларни реализация қилиш имконини берди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 111,4 процентни ташкил этди. Бу илгари белгиланган суръатдан анча юқори. Қурувчилар, транспортчилар, лойиҳачилар, илмий-тадқиқот ташкилотларининг, маиший хизмат корхоналарининг ходимлари ҳам яхши ишлашди.

Лекин йиғилиш қатнашчилари ҳам хўжалик, ташкилотчилик, ҳам омма ўртасида тарбиявий, ғоявий-сиёсий ишларни янада такомиллаштириш учун бениҳоя катта, принципиал аҳамиятга эга бўлган Л. И. Брежневнинг маслаҳатлари ва таклифларидан келиб чиқиб, ўз диққат-эътиборларини ҳали ҳал этилмаган масалаларга қаратдилар.

— Биз пухта, бир меъёрда ишлашга ўрганишимиз керак, — деб таъкидлашди сўзга чиққан ўртоқлар. — Бу ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир меҳнат коллективининг ҳаёти ва фаолиятида йўналтирувчи талаб бўлиши керак.

Районда қолоқ корхоналар йўқ. Лекин март ойида 4 цех, 38 бригада ва ишлаб чиқариш участкаси планни бажармади. 2-дон маҳсулотлари комбинатида, «Ташэлектромаш», электромонтаж буюмлари заводларида янги қувватларни бунёд этиш ва уларни фойдаланишга топшириш норматив муддатлари чўзилиб кетган. «Ўзбитхимпласт» бирлашмасида, «Ташсельмаш» заводида, 2-уйсозлик комбинатида, упа-элик фабрикасида асосий фондларни ишга тушириш планлари бажарилмади.

Қуйбишев район механизаторлари билан мусобақада пешқадамликни сақлаб қолиш учун, деб таъкидланди активда, хўжаликлардаги мавжуд резервлардан тўла фойдаланиш, моддий ресурсларни кам сарфлаган ҳолда юксак кўрсаткичларга эришиш лозим бўлади.

Қабул қилинган қарорда ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларига мувофиқ ишчиларни, ва моддий ресурсларни ишга туширилади ган объектларда жамлаш, объектларни фойдалаланишга топширишнинг норматив муддатларига қаттиқ риоя қилиш, ижтимоий фаолиятнинг барча соҳаларида иш сифатини оғишмай яхшилаш лозимлиги таъкидланади. Актив йиғилишида Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари К. П. Дудин иштирок этди.

ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ ИШГА ТУШДИ

БУГУН

ҚУРИЛИҚ ТУРАР ЖОЙ МАССИВИДА ЯНГИ АВТОМАТ-ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИНИНГ ҚУРИЛИШИ ВА МОНТАЖИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ. Ўн минг номерли станция ҳамшаҳарларимизга хизмат қила бошлади.

Янги станциянинг афзаллиги шундаки унга ўрнатилган янги замонавий мосламалар абонентни координата системаси бўйича излайди. Станциянинг техника жиҳозлари Германия Демократик Республикасидан келтирилган.

Қурилиш ишларини олиб борган «Союзтелефонстрой» трестининг Тошкент қурилиш-монтаж бошқармаси шаҳримизда бошқа АТСларнинг қурилишини ҳам олиб бормоқда. Бошқарма бош инженери К. Т. Кетеренко бундай деди:

— Трактор заводининг ёнгинасида ўн минг номерли 64-АТС-нинг монтажи бошлаб юборилди. Бундан ташқари 54 ва 42-АТСларнинг монтажи ва наладкасини бошлаймиз.

САНЪАТ КЎРИГИ

Шу йил Гаванада бўладиган ёшлар ва студентларнинг халқаро фестивалига бораётган қизғин тайёргарлик халқ ҳаваскорлиги санъати талантларини аниқлаб бермоқда.

Бир неча кундан буён шаҳримизда ўтказилаётган Бутуниттифоқ зонал конкурси ниҳоясига етди.

БУГУН

шаҳримизнинг Санъат саройида ана шу катта санъат байрами тантанали ёпилади. «Биз Ватанпарвар-интернационалистлармиз» деган шиор остида ўтган бу санъат кўригида Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларидаги ҳаваскорлар билан бирга қардош республикаларнинг талантлари ҳам қатнашдилар.

Конкурсда республика фестивалининг голиблари бўлган «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият саройининг «Лола», «Миконд» заводларининг вокал-чолғу асбоблари ансамбллари ҳам қатнашиб жюри ва томошабинларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлди.

Тикувчи ҳаваскорлар Свердлов номли ва «Баҳор» концерт залларида бўлган чиқишларда композитор Э. Каландаровнинг оташин Куба революционери Эрнесто че-Гевараннинг хотирасига бағишланган кўшиқни юксак маҳорат билан ижро этишди. Бу кўшиқ Гавана фестивалига тайёрланган муносиб совғалардан бири-дир.



Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат аҳли беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш борасида фидокорона меҳнат қиляпти. Сиз мана бу фотолавҳада корхона 5-цехининг шахсий беш йиллик топшириқларини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган зарбдор чеварларидан, (чапдан-ўнгга Э. Петросова, З. Азимова, Р. Тўлаганова, С. Толибжонова ва С. Зуфаро. ва ўртоқларни кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

САМБО КУРАШИ БЎЙИЧА X БУТУНИТТИФОҚ ТУРНИРИ

ТОШКЕНТ

Турнир якунланди

Кеча «Меҳнат резервлари» спорт комплексидаги ғалламларда ўтказилган «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг соврини учун самбо бўйича Бутуниттифоқ турнири якунланди. Ғолиблик учун бўлган беллашувларда мамлакатимизнинг 50 шаҳридан келган 436 спортчи иштирок этди. Уз казн-тонфалари бўйича Б. Файзиев («Буревестник», Тошкент), Б. Ли («Буревестник», Томск), В. Григорьев («Урожай», Новосибирск), Б. Расулов («Динамо», Андижон), В. Попов (ФИС, Красноярск), М. Алиев («Локомотив», Боку), В. Пашкин («Буревестник», Москва), В. Пушница («Буревестник», Олмаота), О. Смирнов («Буревестник», Москва), Ю. Худепа («Колос», Полтава)лар Бутуниттифоқ турнири ғолиби бўлишди. 22 спортчи биринчи марта СССР спорт мастери нормативини бажаришга муваффақ бўлди.

Турнир ҳақидаги репортаж газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида эълон қилинади.

ПЕШҚАДАМНИНГ БИРИНЧИ МАҒЛУБИЯТИ

Кеча футбол бўйича мамлакат биринчилигининг навбатдаги турида «Пахтакор» Тбилисининг «Динамо» командасини қабул қилди.

Бу мавсумда мазкур командалар ўзаро икки марта учрашишган эди. Мамлакат Кубоги учун бўлган бу учрашувларда тбилисилик футболчилар ғолиб чиқишганди. Бу гал мамлакат биринчилиги учун бўлган учрашувда пахтакорчилар чиройли ўйин кўрсатишиб, галабани қўлга киритишди—3:0. Тўпларни дарвозага Загуменних. Ан ва Чуркинлар йўллашди.

телетайп лентасидан

● **БУДАПЕШТ.** Венгрия бешинчи беш йиллигининг энг йирик энергетика объектларидан бири бўлган Татабанья яқинида жойлашган Надьеҳаз ҳавзасидаги кўмир шахтаси қурила бошланди. Венгер ва совет геологлари ана шу райондаги ер ости бойликларини биргаликда тадқиқ этдилар. Бу тадқиқотлар ана шу районнинг ер остида 50 миллион тоннадан кўпроқ юқори сифатли кўмир ва қарийб 10 миллион тонна боксит борлигини кўрсатди. Шахта қурилиб бўлганидан кейин ундан ҳар суткада 6 минг тонна кўмир ва 2 минг тонна боксит қазиб чиқарилади.

● **ДУБЛИН.** Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархларини белгилашда «Умумий бозор»га аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги келишмовчиликлар Ирландия фермерларининг аҳволига салбий таъсир кўрсатмоқда. Маҳаллий экономистларнинг ҳисоблашларига қараганда, ирландиялик фермерлар ҳафта сайин бир миллиондан ортиқ фунт стерлинг бой бермоқдалар. Ирландия экономикасининг қишлоқ хўжалик секторида ишлаб чиқариш ҳамон қисқариб бормоқда. Сўнгги кунларнинг ўзидагина мамлакатда гўшт маҳсулотларини қайта ишлайдиган бешта завод ёпиб қўйилди.

● **ЛИССАБОН.** Бу ерда Португалия эскудоси 6,1 процент миқдорда девальвация қилинганлиги расмий суратда эълон қилинди.

Де Португал банкининг баҳотига кўра, халқаро валюта фондининг тазйиқи билан ана шу девальвация ўтказилган. Халқаро валюта фонди Португалияга қарз бериш учун девальвация ўтказиш ва шарт қилиб қўйган.

● **БАҒДОД.** Ироқдаги бешта вилоятда — Дикар, Мутанна, Майсан, Кадисия ва Басра вилоятларида 337 километр узунликдаги замонавий автомобиль йўлини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Бу ишларни бажариш учун 18,3 миллион Ироқ динори ажратилди.

Бу йиллар вилоят марказларини олис аҳоли пунктлари билан боғлайди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш учун асосий транспорт артерияларидан бўлади.

● **БУХАРЕСТ.** Бирлашган подшипник заводининг комплектлаш ўз корхонасининг чорак асрини 165 миллион подшипник ишлаб чиқариш билан нишонлади. СССРнинг техникавий ёрдами билан қурилган бу корхона ўтган 25 йил мобайнида тахминан 1000 хил подшипник ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Завод ишчилари шу беш йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида пландан ташқари 86 миллион левлик маҳсулот тайёрладилар.

● **РИМ.** Италияда шу йилнинг февраль ойида чакана нархлар 1977 йилнинг шу ойидагига нисбатан 12,5 процент ортди. Шу йилнинг февраль ойида нарх-наво 1 процент кўтарилди, деб хабар берди Марказий статистика институти.

Мусобақа кундалиги

• *Мажбуриятлар изидан*

ИЛҒОРЛАРДАН НАМУНА ОЛИБ

КЎПСТАНОКЧИ ТЎҚУВЧИЛАРНИНГ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ИККИ ЙИЛУ УЧ ОЙЛИК СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ЯКУНИНИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ КАСАБА СОЮЗ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ М. В. ЧУБАСОВА ШАРҲЛАЙДИ:

— Тошкент тўқимачилик комбинатининг цехларида КПСС Марказий Комитетининг биринчи Май Чақириқлари юксак меҳнат кўтаринкилигини вужудга келтирди. Ана шунга жавобан тўқимачилар юксак меҳнат самарадорлигига эришиш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашаётган мусобақадошларнинг сафини тобора кенгайтирмоқдалар. Юксак марраларни эгаллашдек бу шарафли йўлда эришган рекорд кўрсаткичларини бугунги кун нормаси қилиб олган корхона пешқадамлари намуна кўрсатишмоқда.

Олдинда ҳар доимгидек тўқувчи Нина Ершова боряпти. Нина Васильевна беш йиллик бошидан буён 1.7 миллион метр, шу жумладан пландан ташқари 1 миллион метр суруп ишлаб чиқарди. Ҳозирги кунда бу ишчи 1981 йилнинг май ойи ҳисобига газлама топширяпти. У бундай қувончли ютуққа ўтган вақт мобайнида 64—66 станокка хизмат кўрсатиб, кунлик топшириқни ўрта ҳисобда 111 процент адо этиш ва шу билан бирга, деярли барча маҳсулотни биринчи сортга топшириш туфайли эришди. Н. Ершовада меҳнат унумдорлиги ўтган беш йилликнинг шу даврига нисбатан 32 процентга ўсди. Бу эса тўқувчининг юксак маҳоратидан, техникани моҳирона бошқаришидан далолат беради.

Нина Васильевна ўзининг иш усулларини янада такомиллаштириб, асосий операция бўлган — ипларни узилишини бартараф этиш жараёнида бир неча секундни тежаб қолишга эришмоқда. Бу эса унга калавани тайёрлашга кетадиган вақтни тежаб қолиш имконини беряпти. Натижада ипларни узилиши камайиб, ҳар бир автоматнинг меҳнат унумдорлиги ошмоқда.

Нина Васильевна изланиб, илҳом билан меҳнат қиляпти. Яқинда у бошқа ишлаб чиқариш илғорлари қатори «Республика енгил саноатининг энг илғор ишчиси» деган унвонга сазовор бўлди ва буни тўла оқламоқда.

Нина Васильевна ҳамма кўрсаткичлар бўйича пландан ташқари 1 миллион метр газлама ишлаб чиқарган Вера Солдатовани қувиб боряпти. Ҳозирда бу тўқувчининг меҳнат календарь 1981 йилнинг апрель ойи давом этяпти.

Вера Ивановна 64 станокка хизмат кўрсатиб, уларнинг ҳар бирини юксак унум билан ишлашини, ипларни узилда бирор секундни ҳам бехуда сарфламаслик учун ҳаракат қиляпти. Мана унинг маҳоратини сири. Бу моҳир ишчи меҳнат унумдорлигини 30,7 процентга ўсди, ҳар ойлик ишлаб чиқариш кўрсаткичи худди Н. В. Ершованики сингари — 111 процентни ташкил этяпти. Маҳсулотнинг деярли ҳаммаси биринчи сортга топширилмоқда.

Лида Павловна ишлаб чиқариш ўқуви инструктори бўлиб ишлаган пайтдаги ўтган вақтни билдирмаслик учун ҳаракат қилмоқда. Бу осон иш эмас, албатта. Дарвоқе, бу тўқувчи ҳозирдаёқ планга қўшимча 460 минг метр миткаль, «ягодка» ва дока ишлаб чиқарди.

ВЛКСМ XVIII съезди делегати, энг ёш кўпстанокчи Дилбар Қулматова ва Клавдия Ивановна Аникиналар ҳам пландан ташқари ярим миллион метрдан зиёд сурп ишлаб чиқаришиб, топшириқларини ортиғи билан адо этишди.

Анна Сергеевна Верзилина ҳам ҳар доимгидек юксак унум билан меҳнат қиляпти. У ойдан-ойга янада кўпроқ маҳсулотни биринчи сортга топширмоқда.

Шундай қилиб, барча кўпстанокчилар биринчи кварталнинг ҳал қилувчи ойини муваффақиятли якунлашиб, келгусида беш йилликнинг янада янги марраларини эгаллаш учун, иш суръатини тобора авж олдириш учун пухта замин ҳозирлаб олдилар.

Кўпстанокчиларнинг фидокорона меҳнати комбинат коллективини янги марралар сари илҳомлантириб юборди. Илғорларга тенглашиш учун 1143 киши техникага хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтиришиб, СССР янги Конституциясининг бир йиллигигача 3-4 йиллик топшириқларни бажаришга бел боғлади. Беш йиллик илғорларининг сафини кўпстанокка хизмат кўрсатиш маҳоратини ўрганаётган 719 нафар энг яхши ишчи секин-аста тўлдириб боряпти. Ҳозирнинг ўзидзёқ 839 нафар шогирд оширилган зичликка ўтишди.

Социалистик мусобақанинг кенг қулоч ёйдирилиши комбинат коллективига маҳсулот реализация қилиш бўйича биринчи квартал планини 345 сўмликка ошириб бажариш имконини берди.

Айни кунларда тўқимачилар йилнинг иккинчи квартал топшириқларини муваффақиятли бажариш, кўп станокка хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтириш ва юксак самарадорликка эришиш учун курашмоқдалар.





Сиз чапдаги суратда «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўпстанокчи токари Александр Шумейкони кўриб турибсиз. У мазкур корхонада тўрт йилдан бери меҳнат қилади.

Ўнгдаги суратда мазкур корхонанинг яна бир кўпстанокчи токари Ботир Қосимов акс этган. У ҳам мусобақадош дўсти Александр Шумейкодан қолишмаяпти. Кунлик нормасини 20— 30 процентга ошириб адо этмоқда.

Р. Загратдинов фотолари.

• *Меҳнат қилган—элда азиз*

КЕКСАЛАР ЭЪЗОЗИ

Халқ депутатлари Ленин район Совети ижроия комитети кексалик гаштини сураётган пенсионерларни «Меҳнат ветерани» медали билан мукофотлашга тавсия этиш устида қунт билан иш олиб боряпти. Район территориясида юзлаб саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, илмий, даволаш муассасалари ва бошқа ташкилотлар мавжуд. Ана шу корхона ва ташкилотларнинг коллективлари ўзлари билан бутун умр бўйи билим ва маҳоратини ишлаб чиқаришга, муносиб ўринбосарлар— ишчи ворислари етиштиришга бағишлаган кўплаб сафдошларини кексалик гаштини суришга узатиб қолишган. «Меҳнат ветерани» медали коллектив ва ишлаб чиқариш учун жон куйдириб меҳнат қилган ва қилаётган худди шундай онахон ва отахонлар учун таъсис этилган.

Бу медаль СССР Олий Совети Президиумининг 1974 йил 18 январдаги Фармони билан таъсис этилган бўлиб, шу кундан эътиборан қариялик пенсиясига чиққан ҳар бир касб эгаси шундай медаль билан мукофотланишга тавсия этилади. Уларни ўзлари меҳнат қилиб турган корхона ёки ташкилот маъмурияти, коллектив партия ва касаба союз ташкилоти тавсия этади.

Ленин район партия комитети ва район ижроия комитети бу медалга муносиб номзодларни аниқлаш ва тавсия этишда бирмунча ибратли ишларни олиб боряпти. Район партия комитетида ҳафтанинг биринчи кунида ўтказилади ган «Секретарлик соати» йиғилишида район партия комитетининг иккинчи секретари Ж. М. Жонибеков СССР Олий Совети Президиумининг «Меҳнат ветерани» медалини таъсис этиш тўғрисидаги фармони, унинг инструкциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида корхона, ташкилот ва муассасалар партия ташкилотларининг секретарларига сўзлаб беради. Ишлаб чиқариш коллективларида медалга тавсия этиш ишларининг бориши билан қизиқади.

Бундай тушунтириш ва ташкилий ишлар район Советининг икки юзга яқин халқ депутатлари ўртасида ҳам олиб бориляпти. Шу масалага бағишлаб, район ижроия комитети депутатлик кунларида ўтказди, қанор фабрикасида райондаги барча корхона, ташкилот ва муассасалар кадрлар бўлимлари бошлиқларининг йиғилиши ўтказилди.

— Бундай амалий тадбирлар белгиланиши натижасида, — дейди район ижроия комитетининг масъул котиби А. Н. Голованова, —шу кунгача район бўйича 3725 пенсионернинг «Меҳнат ветерани» медали билан мукофотланиши тавсия қилинадилар.

Ҳозир шаҳримизнинг ҳамма районларида пенсионерларни аниқлаш, уларни «Меҳнат ветерани» медали билан мукофотлаш тавсия этиш юзасидан ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари қизғин олиб бориляпти. Масалан, **Собир Раҳимов** районида Фармон эълон қилинган 1974 йилдан то 1978 йилгача бўйи 458 кишининг ҳужжати расмийлаштирилган бўлса, шу йил 15 мартдан буён икки миггга, Фрунзе район ижроия комитетида икки ярим миггга яқин пенсионер «Меҳнат ветерани» медалига тавсия этилди.

— Хўш, бунга қандай эришилди?

— Биринчидан, бу масала ижроия комитет мажлисида кўриб чиқилиб, аниқ тадбирлар белгиланди, —дейди Собир Раҳимов район ижроия комитет ташкилий ишлар бўлимми мудири Фармон Қурбонов.— Ҳар бир ташкилотга ижроком ходимлари бириктирилди. Корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, кадрлар бўйича ўринбосарлар билан суҳбатлар олиб борилди. Олтмишта маҳаллага мактабларнинг ўқитувчилари бириктирилди. Уларнинг кучгайратлари туфайли ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари тезлашди.

Октябрь районида пенсионерларни «Меҳнат ветерани» медалига тавсия этиш бўйича махсус комиссия тузилган. Комиссия ташаббуси билан корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари, кадрлар бўлими бошлиқлари, партия ва касаба союз ташкилотларининг йиғилишларида ўтказилди. Секретарлик соати ва депутатлар кунида район партия комитети ва ижроия комитет раҳбарлари сўзладилар. Бу хайрли ишга район Советининг икки юзга яқин депутатлари, жамоатчи активлар жалб қилиниди.

— Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида шу кунгача район бўйича уч миггга яқин пенсионернинг ҳужжати медалга тавсия қилиш учун расмийлаштириб бўлинди,— дейди райижроком масъул котиби, комиссия раиси ўринбосари В. П. Песков.

Куйбишев район ижроия комитети ҳам бу борада самарали иш олиб боряпти. 1978 йил 1 январгача 911 кишининг ҳужжати расмийлаштирилган бўлса, бу рақам уч ой мобайнида 2848 кишига етди. Бахтимиз учун курашган, социалистик тузумимизнинг барқарор топиши, тинч яратувчилик даврларида фидокорона меҳнатлари, камтарона ва самарали фаолиятлари билан муносиб ҳисса қўшган кекса авлодни бугунги кунда ҳар қанча ардоқласак оз, албатта. Уларнинг «Меҳнат ветерани» медалига сазовор бўлишлари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматимизнинг ҳар бир ота ва она меҳнат фаолиятига берган муносиб баҳоси бўлади.

Ўзбекистон ССР гражданларининг қариган чогда эъзозланиши, яъни давлат томонидан моддий таъминланиб турилиши, уларга ғамхўрлик қилиниши каби имтиёзлар республикамиз янги Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 41-моддасида гарантиялаб берилганлиги фикримизнинг ёркин далилидир.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

• РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

ЯНГИ РЕЙСЛАР

Мунтазам автобус рейслари қўриқдаги янги 25-совхоз кўрғонини Жейнов посёлкаси билан боғлади. Бу —Қашқадарё областида йил бошидан буён очилган учинчи қишлоқ маршрутидир.

МОТОРЛАР «ШИФОХОНАСИ»

«Узсельхозтехника» бирлашмасининг Урганч ремонт-механика заводида «Алтаец» маркали трактор двигателларини ремонт қилиш учун участка ташкил этилди. Корхона меҳнаткашлари ана шу участка учун асбоб-ускуналар, бир қанча механизмларни муддатидан илгари тайёрлаб бердилар. Заводда хўжаликлар учун тупроқ қатқалоғини юмшатадиган енгил бороналарни ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди.

АДИРЛАРГА СУВ

Наманган областидаги Я. Худойбердиев номли ва «Кукумбой» совхозларининг адир ерларида ўн километр узунликдаги иккита канал қазилди. Гирвонсой насос станцияси реконструкция қилинганидан сўнг бу ерга — тепаликка катта Наманган каналидан сув чиқариш мумкин бўлди. Станция қуввати уч баравар оширилди.

ЯШИКЛАР УРНИГА

Шаҳрисабз консерва заводида сабзавотни ташиш учун контейнерлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Уларни ишлатиш помидор, бодринг ва бошқа маҳсулотларнинг сифатини яхши сақлаш, транспортдан серунум фойдаланиш имконини беради. Сабзавотни ялпи йиғиштириб олиш мавсуми арафасида Шаҳрисабз аграр-ишлаб чиқариш бирлашмаси совхозларига 50 та ана шундай контейнерлар келтирилади.

(ЎзТАГ).

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 11— «ВИСОТСТРОЙ» ТРЕСТИ БИЛАН 8-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ, «ТАШИНЖСТРОЙ» ТРЕСТИ БИЛАН «ТАШТРАНССПЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИ ЎРТАСИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА

Резервлардан фойдаланиб

Йил бошида 11-«Висотстрой» трести билан ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ўртасида бироз келишмовчиликлар содир бўлди. Трест январь — февраль ойларида бош пудрат бўйича 116 минг сўмлик бинокорлик ишларини бажармади. Лекин квартал плани муваффақиятли адо этилди. Ўз кучлари билан иш бажариш топшириғига қўшимча 262 минг сўмлик, бош пудрат бўйича 444 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Бироқ ўтган йилнинг шу даврига нисбатан иш ҳажмини ўстириш вазифаси удаланмади.

Трест маҳаллий Советлар объектлари қурилишида планда кўзда тутилган 730 минг сўмлик ўрнига 1063 минг сўмлик иш бажарди. Лекин уй-жойлар қуриш бўйича қолоқликка йўл қўйилди. Бу соҳада 33 минг сўмлик иш амалга оширилмади.

11-«Висотстрой» трестининг мусобақадоши ҳисобланган 8-қурилиш трести ой сайин план топшириқларини бажаришга эришмоқда. Трест биринчи кварталда барча техник иқтисодий кўрсаткичлар бўйича қувончли ютуқларни қўлга киритди. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109,4 процентни, ўз кучлари билан ишлаб чиқарган пудрат бўйича 109,4 процентни, ўз кучлари иш бажариш топшириғи бўйича 112,8 процентни ташкил этди. Бундай муваффақиятга меҳнат унумдорлиги суръатини ўстириш орқали эришилди.

Трестда уй-жойлар ва мактаб бинолари қуриш топшириқлари ҳам муваффақиятли адо этилди. Лекин, мактабгача болалар муассасалари ва маҳаллий Советлар объектлари қуриш вазифаларини удаланмади. Трест бошқарувчиси М. Дўсматовнинг изоҳига қараганда, мактабгача болалар муассасалари қуриш планининг бажарилмаслиги Шолохов кўчасида қурилаётган болалар боғчаси биносига «Главташкентстрой»нинг саноат корхоналари бошқармаси томонидан металл конструкцияларни етказиб берилмаганлиги сабаб бўлди. Маҳаллий Советлар объектлари қурилишида ҳам шу ҳолни кўриш мумкин. 48-мактаб, 2-Қорасув массивидаги 18 ва 23-уй-жойлар қурилишига ҳам темир-бетон маҳсулотлари келтирилмади. Қурилиш механизация трести 6-тугруқхона қурилиши учун котлован қазишни ўтган йилдан буён битказмади.

Иккала трестда ҳам бригада пудрати методи кенг қулоч ёйди. 11-трестда еттита бригада, 8-трестда 12 та бригада хўжалик ҳисобининг янги усулида ишламоқда. Илғор тажрибаларни оммалаштириш бўйича тадбирлар ўтказилмоқда. Тошкент автомобиль йўллари институтида ғишт теручилар конкурси ўтказилди. Унда 8-трестнинг учта қурилиш-монтаж бошқармасидан Мардонов, Мазуров, Васильев раҳбарлигидаги бригадаларнинг аъзолари иштирок этишди. Мардонов бригадаси юксак кўрсаткични қўлга киритди.

Иккинчи мусобақадош коллективлар ўртасидаги беллашувда «Ташинжстрой» трести пешқадамлик қиляпти. Трест ўз кучлари билан иш бажариш топшириғини ва бош пудрат ишлари планини оширибадо этди. Муваффақиятга янги техника, илғор технологияни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, меҳнат унумдорлиги суръатини 1.9 процентга, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан эса 3.6 процентга ўстириш туфайли эришилди.

Бу коллективда 8-ихтисослаштирилган бошқарма планларини бажармади. Бошқармага темир-бетон қоришмалари етказиб берилмади. Трест биринчи кварталда 15,5 минг тонна ача шундай маҳсулот билан таъминланмади.

«Таштранссспецстрой» трести барча кўрсаткичлар бўйича қолоқлик қилди. Уч ойлик қурилиш-монтаж ишлари плани удаланмади. Меҳнат унумдорлигини ўстириш. ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини ошириш планлари ҳам бажарилмади. Ўтган ойлардаги каби мартда ҳам трест асфальт-бетон қоришмаси билан қониқарсиз таъминланди. Трест биринчи квартал плани бўйича 27.5 минг тонна қоришма олиши керак эди. Аслида 6,2 минг тонна қоришма билан таъминланди. Натижада 315 минг сўмлик асфальт ётқизиш ишлари бажарилмади.

«Таштранссспецстрой» тресги замонавий қурилиш механизмлари билан ҳам таъминланмаган. Янги техника воситаларисиз эса муваффақиятли меҳнат қилиш мумкин эмас. Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармаси раҳбарлари буни унутмасликлари лозим. Қолоқ трестни илғорлар сафига қўшиш учун унга ҳар томонлама ёрдам бериш керак!

1978 йил январь—март ойлари асосий кўрсаткичлари	Қурилиш трестлари			
	11-«Висотстрой»	8	«Ташинжстрой»	«Таштранспецстрой»
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши (процентларда)	112,5	103,4	102,8	91,3
а) бош пудрат бўйича	111,1	110,1	100,8	88,3
б) ўз кучлари билан				
Иш ҳажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)	87,7	109,4	102,7	96,5
а) бош пудрат бўйича	111,1	112,8	103,0	94,7
б) ўз кучлари билан				
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари	103,9	100,7	101,9	96,3
Меҳнат унумдорлигини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши	109,4	111	103,6	105,2
Планни бажармаган бошқармалар	—	—	—	3
а) бош пудрат бўйича	—	—	1	3
б) ўз кучлари билан				
Уй-жой қурилиши планининг бажарилиши (процентларда)	87,8	101,9	—	—
Мактаблар қурилиши планининг бажарилиши (процентларда)	—	104,1	—	—
Мактабгача болалар муассасалари қурилиши планининг бажарилиши.	—	63,7	—	—
Маҳаллий Советлар объектларини қурилиши планининг бажарилиши	145,6	94,7	39,9	—
Йил бошидан фойдаланишга топширилган объектлар сони	—	1	—	17
Ўртача баҳоси (балларда).	—	4	—	4
Бригада пудрати методи бўйича ишлаётган бригадалар сони	7	12	4	8



Шаҳримизнинг меҳнат коллективлари ўртасида «Беш йилликнинг уч йили плани — СССР Конституцияси кунигача» ватанпарварлик ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда. Абразив комбинати механика цехининг моҳир токари, коммунистик меҳнат зарбдори Евгения Скаковская ҳам ана шундай юксак мажбурият олган илғорлардан бири. Моҳир ишчи ваъдасига вафо қилиш учун фидокорона меҳнат қилиб, смена нормасини мунтазам 1,5 баравар адо этмоқда.

СУРАТДА: Евгения Скаковская.

М. Нуриддинов фотоси.

ВАҚТДАН ЎЗИБ

«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Назира Аъзамова, Набира Нормуҳамедова, Ўктамхон Исроилова, Лутфихон Зиёева каби чеварларининг меҳнат календарида кункеча июнь ойи бошланди. Машъал ишчилардан Бибинисо Шоносирова, Раъно Нуъмоновалар эса ҳозир ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йили ҳисобига маҳсулот топширишяпти. Бу ишчилар иш вақтидан унумли фойдаланиш, бир пайтнинг ўзида икки-уч операцияни бажариш орқали юксак суръатларга эришмоқдалар. Мана шундай илғорларнинг ғайрати билан бирлашма йил бошидан бери 4 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариб, тўрт ойлик топшириғини муваффақият билан адо этди.

Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети

Савдо хизматини такомиллаштирайлик

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ўзининг навбатдаги мажлисида савдо ишини бундан буён янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама этди. Қабул қилинган қарорда таъкидланишича, савдо Бош бошқармаси ҳамда умумий овқатланиш бошқармаси томонидан аҳолига савдо хизматини яхшилаш юзасидан маълум даражада ишлар амалга оширилган. 1977 йил чакана товар обороти плани 101,3 процент бажарилган. Планга қўшимча равишда мажбуриятдаги 15,5 миллион сўмлик ўрнига 19,4 миллион сўмлик товар сотилган. Шунингдек, умумий овқатланиш системасида товар обороти плани ҳам бирмунча ошириб адо этилди. Планга қўшимча равишда 2,9 миллион сўмлик кулинария маҳсулотлари реализация қилинган. Шаҳардаги савдо ва умумий овқатланиш корхоналари шу йилнинг биринчи квартали асосий план кўрсаткичларини бажардилар.

Шаҳар савдо ва умумий овқатланиш корхоналари модлий-техника базаси бирмунча ривожланди. Ана шу мақсад учун 13,3 миллион сўм сарфланганлигини айтишнинг ўзи кифоя. Бу, ўтган йили 5.7 минг квадрат метр ҳажмда фойдаланиш майдонига эга бўлган 40 та савдо корхонасини фойдаланишга топшириш имконини берди. Умумий овқатланиш тармоқларидаги ўринлар сони 4,5 мингтага кўпайди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ўзи қабул қилган қарорда савдо Бош бошқармаси ҳамда умумий овқатланиш бошқармасининг ишларида бир қатор жиддий нуқсонлар мавжудлигини таъкидлайди. Товар обороти плани ҳамма савдо ташкилотлари ва корхоналари томонидан бир меъёрда бажарилаётгани йўқ. Баъзи бир магазинлар ва ошхоналар савдо хизматининг прогрессив форма ва методларини жорий этишга, аҳолининг ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжлари ни ҳар тарафлама қондиришга етарли даражада эътибор бермайдилар. Ошхоналарни гўшт ва балиқ ярим тайёр маҳсулотлари билан, тозаланган сабзавот ва картошка билан комплекс таъминлаш масаласи ҳанузгача ҳал этилгани йўқ.

Тошкент шаҳар ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармаси, «Главташкентстрой»нинг қурилиш трестлари қурилаётган савдо объектларига етарли даражада эътибор бермаётганликлари сабабли ажратилган капитал маблағлар бир неча йиллардан буён ўзлаштирилмай келинмоқда. Масалан, 1977 йилда 1.380 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмай қолди. Бунинг натижасида белгиланган 17 савдо объектидан атиги саккизтаси фойдаланишга топширилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қабул қилган қарорида мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгилади.

Ўқувчининг «Меҳнат дафтарчаси»

Пойтахтнинг Ҳамза районидаги мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинати педагогик коллективининг ташаббуси билан бу ерда ўқувчиларнинг меҳнатда эришган муваффақиятларини қайд қиладиган карточка жорий этилди. Бу ерда турли ишчи касб-корини ўрганаётган 2600 ўқувчидан ҳар бирига ўзига хос «Меҳнат дафтарчаси» тутилди. Меҳнат дафтарчаларида комбинатда таълим олиш чоғида болаларнинг эришган меҳнат муваффақиятлари, шунингдек ҳунар танлаш натижалари акс эттирилади. Дафтарчада мутахассислиги бўйича баҳо учун, шунингдек ишлаб чиқариш таълими мастери берадиган характеристика ва ишчи малакаси берилиши тўғрисидаги маълумотлар учун алоҳида саҳифа ажратилган. Бундай ҳисоботдан мақсад — меҳнатга бўлган майлни, таҳлил этиш, ўспиринда ўзи танлаган касбга нисбатан меҳр-муҳаббат сингдиришдан иборатдир.

(ЎзТАГ).

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. СОДИҚОВ: Мен бу йил 8-синфни битириб, тепловоз машинисти касбини ўрганмоқчиман. Лекин кўзойнак тақиб юраман. Бу орзумга эришишга ҳалақит бермайдими?

Жавоб: Тепловоз машинисти мутахассислигини Тошкент темир йўл техникуми (11-Сариқўл кўчаси 3-уй)да эгаллаш мумкин. Сиз бу ерда 8-синф маълумоти билан тўрт йил (10-синф маълумоти билан эса уч йил) ўқиб тепловоз машинисти ёрдамчиси гувоҳномасини қўлингизга оласиз. Кўз масалангиз келсак, ўқувчилар техникумга кириш пайтида темир йўл қошидаги махсус поликлиникада медицина кўригидан ўтишлари керак. Агар медицина комиссияси лозим топса, сиз ўз орзунгизга албатта эришишингиз мумкин. Бундан ташқари шаҳримиздаги 31-ҳунартехника билим юрти (Слоним кўчаси)да ҳам бу касбни ўргатиш учун ҳамма нарса муҳайё. Бу ерда ҳам дастлаб медицина комиссиясидан ўтилади.

* * *

Н. ҲОЛИҚОВ: Йўлланма билан ишга келганда, ташкилотнинг махсус уй-жойи бўлмаса, нима қилиш керак?

Жавоб: Олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тугатиб, йўлланма билан ишга келган ҳар бир ёш мутахассисни ташкилот (муассаса, корхона) турар жой билан таъминлаши зарур. Агар сиз айтгандек, ташкилотнинг махсус уй-жойи бўлмаса, сиз ишга юборилган ташкилотнинг талабига кўра маҳаллий Советлар томонидан турар жой билан таъминланишга ҳақлисиз.

* * *

Ҳ. АБДУВАҲОБОВ: Байрам кунлари ишлаган кунбайчиларга иш ҳақи қандай тўланади?

Жавоб: СССР Министрлар Советининг Меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича Давлат комитети ва ВЦСПС Президиумининг 1966 йил 8 август қарорига биноан кунбайчиларга бажарилган иш учун белгиланган пул миқдорининг икки ҳисса бараварида ҳақ тўланади.

* * *

С. БОЙБЎТАЕВ: Ҳурматли редакция! Мусодара қилинган мулкларга бўлган даъво қачон қаноатлантирилади?

Жавоб: Мусодара қилинган мол-мулкка бўлган даъволар ижро варақасининг ҳаракат муддати ўтмасдан ариза тушган тақдирдагина қаноатлантирилади.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Кундуз соат тўртларда Олег Соловьев ярим стакан арақ ичиб олди. Шундан кейин бошқариш учун ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмай туриб Давлат автоинспекцияси рўйхатидан ўтказилмаган ЯВА мотоциклини ҳайдади. Орадан роса бир соату эллик минут ўтгач, Жаҳон Обидова ҳамда Горький номли проспект чорраҳасида светофорнинг қизил чироғи ёниб турган бўлишига қарамай, чорраҳадан ўтиб Х. Рендис ҳайдаб келаётган ВАЗ—2101 маркали 46—85 ТНИ енгил автомобили билан тўқнашиб кетди.

Тошкент электромеханика техникумининг студенти О. Соловьев тизза суяги синган ҳолда Ўзбекистон травмотология ва ортопедия илмий-текшириш институтига ётқизилди.

Ғафур Ғулом туғилган куннинг 75 йиллигига

Илгатларга ўт очган шоир

Ғафур Ғулом XX асрнинг забардаст шоири, аллома санъаткор эди. Унинг биргина фельетончилигимизнинг шаклланишидаги хизматлари ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ғафур Ғулом сатирани ўткир қурол деб биларди. Сатирик публицистика В. Г. Белинский айтганидек «Камчиликларни, кишининг заиф томонларини, қабоҳатларни масхаралаш бўлмай аччиғланган ҳиснинг ҳамласи, энергияси, олийжаноб ғазабнинг момақалдироқ ва чақмоғи» бўлиши керак. Ғ. Ғуломнинг хилма-хил мавзулардаги ранг-баранг фельетонлари ва сатирик асарлари моҳиятан шу хусусиятларга эга эди. Бу жиҳатдан айниқса, муҳим масалалар кўтарилган фельетонлари қимматлидир.

Ғафур Ғуломнинг проблематик фельетонлари замирида жамиятимиз тараққиётига, кишилар ҳаётига салбий таъсир кўрсатган воқеа-ҳодисаларга: ёхуд туғилган-ижтимоий мазмунга эга бўлган ҳар хил иллатларга ўз муносабатини билдиради, уларни образли-публицистик, ҳажвий-юмористик усулда фош этади. Бу фельетонлар жанр хусусиятларига кўра публицистик мақолага ўхшаш. Лекин, публицист мақолаларида асосий фикр, мантиқий муҳокамалар ва мулоҳазаларда акс эттирилса, фельетонларда ёзувчининг образли тафаккури биринчи планга чиқиб, асосий ғоя сатирик йўналишда эмоционал-ҳиссий ифодаланади.

Ғафур Ғуломнинг 20—30-йиллардаги бадиий-публицистик ижодида проблематик фельетонлар катта ўринни эгаллайди. Унинг адабий ижодга ҳунар, касб-кор, шуҳрат қозониш, эрмак деб қаровчилар, шахсий манфаатларини жамият, халқ манфаатларидан устун қўядиганлар ҳақидаги «Шоирлик носқовоғидан бир отим» номли биринчи фельетони ва «Драматург кўпми, шоир?», «Классиклардан қачон сўз очар, эҳтиёт бўлинг оловлар сочар» каби дастлабки фельетонларидаёқ юқоридаги хусусиятлар ёрқин намоён бўлди.

Социализм қурилиши кенг авж олган 30 йилларнинг ўрталарида саводсизликни тугатиш, айниқса, ёш авлодни ўқитиш, тарбиялаш ишига партия ва ҳукуматимиз эътиборни кучайтирди. Ғафур Ғуломнинг «Жанжал қўзғатаман» (1935), «Жиян топилди» (1935), «Илмга муҳаббат» (1936) каби фельетонлари асосида шу хил масалалар ётади. Фельетончи бу асарларида муаммони бадиий-публицистик тадқиқ этиш учун кундалик ҳаётда содир бўлган бола тарбиясига акс таъсир кўрсатувчи бир неча салбий фактларни танлайди, уларни бадиий жиҳатдан умумлаштиради.

«Жанжал қўзғатаман» фельетонида воқеалар биринчи шахс тилидан баён қилинади, асар қаҳрамони—тоға, тарбияси издан чиққан жиян билан ойиси ўртасида бўлиб ўтган можаролардан сўнг, ўз ёшлиги ва бугунги кун ҳақида публицистик мулоҳаза юритади: «Жияним учун истаган нарсаси бор. Яхши мактаби, доно муаллимлари, ўз киноси, ўз театри, ўз овунчоғи бор. Ҳаммаси ҳам маданий, ҳаммаси ҳам унинг келажакда мустаҳкам, баркамол киши бўлиб етишувига кифоя қиларли даражада». Хўш, шундай яхши шароитда яшаётган жиян нима сабабдан қўли қисқалик қилиб, пул беролмаган бувисига пичоқ ўқталади? Тоға бунинг сабабини билмоқчи бўлади. Жиянига насиҳат қилади. Жумбоқнинг моҳияти жиянни излаш саргузашти давомида очила боради. Даставвал, тоға жиянниг «яхши мактаби»га боради ва «доно муаллимлари» билан гаплашади. Маълум бўладики, мактаб маъмурияти бола тарбиясига мутлақо эътибор бермай қўйган экан. Тоға театрда ҳам болалар тарбиясига зид бўлган томошанинг, хунук воқеаларнинг устидан чиқади. Фельетоннинг сарлавҳаси ёзувчи талқин қилаётган ғоя мантиқидан келиб чиқади. «Жиянимнинг тарбияси ҳақида қайгурмаётган мактаб, театр ходимлари устидан жанжал қўзғатаман», дейди тоға.

Ғафур Ғуломнинг 50—60 йиллар сатирик публицистик ижодида проблематик фельетонларнинг юксак намуналарини кўрамиз. Ёзувчи «Ўртоқ Сулимов номидаги Қўқон араваз» (1955) асарида йўлларнинг қаровсизлиги муаммоси Қўқон-Бешариқ орасидаги «бузуқ» кўприклар, кичик сўқмоқ йўллар, колхоз ерларини кесиб ўтган кўчалар, кўприксиз ариқларнинг тошқиндан хароб ва ўтиб бўлмас даражада ботқоқ ва белбоғ бўйи тупроқдан иборат» манзилгоҳ мисолида фош этилади. Айни вақтда ана шу муаммо— йўл қурилиши идорасининг бошлиғи Сулимовнинг сатирик образини ҳам характерлейди.

«Жомаси пок, ўзи нопок бандалар» (1964) фельетонида эса айрим кишилар онгида шу пайтгача сақланиб қолган диний ақидаларнинг келиб чиқиш сабабларини, ана шу бидъатлардан ўз шахсий манфаати учун фойдаланаётган бир гуруҳ кишиларнинг маънавий ва ижтимоий башарасини очиб ташланади. Бу —асарнинг бош ғоясидир. Асосий фикр ёзувчининг образли мушоҳадалари билан қўшилиб, чинакам тадқиқот даражасига кўтарилган.

Ғафур Ғулом бу фельетонида халқимиз орасида кенг тарқалган урф-одатлар — қизамиқ чиққан болалар олдига бегона кишиларни киритмаслик, пилла қурти боқилаётган уйда тез-тез исириқ тутатиш, кечаси ҳовли супурмаслик каби одатларнинг фойдали томонларини таъкидлайди. Айни вақтда «мушкул кушод», «мовлуд», «чиллаёсин», «кўчириқ» сингари урф-одатларнинг замини асоссизлигини фактлар орқали исботлаб кўрсатади. Бу одатларнинг туб сабабларининг таҳлили давомида уларга кимлар садоқат билан амал қилаётгани муаммоси тадқиқ этилади: «Шунақа бойваччалар борки, пуллари юз мингдан (ҳозирги пулга 10000) ошгандан сўнг зангори-мош ранг дўппи кийиб оладилар. Бу энди, ўзаро парол-ишора. Шаҳарларимиз тевараги-даги ҳовлилар ҳам ана шу «ҳалол» кишиларнинг мулкидир». Бу парчадан зарарли ирим-сиримлар қобиғида ўз айбини беркитишга интилаётган «баъзи савдо ходимлари, баъзи санъатчилар, ресторан ходимлари, тиш докторлари, чайқовчилар, хуфия косиблар ва шулар тонфасидаги кишилар эканлиги ўқувчига англашилади. Отарчи «санъаткор»ларнинг тўйларда бир-икки ашуладан сўнг тақорат олиб номоз ўқиши, шу халқнинг ихлосини қозонмоқчи бўлиши каби фактларга фельетончи ғазаб ва нафрат билан муносабат билдиради.

Ғафур Ғуломнинг бундай проблематик фельетонларида ижтимоий муаммо асосан образ— тезис орқали ифодаланган. Фактларни бир-бирига қиёслаш, мазмунан узвий алоқадор воқеаларни сарелаш, фикрни ҳиссий бўёқли сўзларда тасвирлашда фельетончи санъати ёрқин кўринади.

Ғафур Ғуломнинг образ-тезис асосида яратилган «Тунука ва шеър» (1955), «Менинг ёғоч қошиғим» (1955) каби фельетонлари ҳам ўзбек сатирик публицистикасида муҳим ўрин тутади. «Тунука ва шеър» фельетонида «ҳалойиққа иморат ускуна етказиб берадиган ташкилотларда» қурилиш материаллари йўқлиги, бироқ бозорда, чайқовчилар қўлида эса бисёр эканлиги тасвирланган. Фельетончи қурилиш материаллари топишда ёрдам сўраб хат юборган бухоролик дўсти Камолхонга жавоб ёзиб, бу ишда ўзи ҳам ночор эканлигини баён қилади: «кампирмнинг ҳужрасида бултур қиш бўйи ўрдак сузиб чиқди... Бинокорлик материалларини тақсим қилишга мутасаддий бўлган бирodарларим мени кўрай деб кўзлари учиб кутаётгани йўқ. Битта тахта ундириш-бошмолдоғидан саксовул зирапчасини суғуришдан ҳам қийин».

Фельетондаги персонажлар бадиий тўқима бўлиб, ёзувчи уларни асосий фикр моҳиятини очишга хизмат қилдиради. Бу муаммо юкланган образ-тезис фельетон тугалланмасида чинакам бадиий кашфиёт даражасига кўтарилган.

Ғафур Ғуломнинг айрим проблематик фельетонларида персонажларнинг руҳий олами, портрет характеристикалари ифодаланган бўлиб, улар ижтимоий иллатларнинг ҳажвий моҳиятини очишга бўйсундирилган бўлади. Баъзи фельетонларида бадиий тўқима, муболаға, бўрттириш, гротеск сингари тасвир усуллари орқали асосий фикр умумлаштирилади — муаммо тадқиқ этилади.

Шундай қилиб, ўзбек сатирик журналистикасида проблематик фельетонларнинг энг яхши намуналари Ғафур Ғулом қаламига мансуб. У сатирик публицистикада фельетон жанри бу турининг шакл ва мазмун жиҳатдан камол топишига катта ҳисса қўшди.

Ғулом ҒАФУРОВ,
филология фанлари кандидати.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар



Тошкент химия-фармацевтика заводида кашандаликка қарши курашнинг янги воситаси— гидрохлорид анабазинини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Тамаки чекишдек зарарли одатни тарк этишга ёрдам берадиган бу препаратни Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академик А. С. Садиков бошчилигидаги биоорганика институти олимлари ишлаб чиқдилар.

СУРАТДА: янги препарат ишлаб чиқарилмоқда.

Р. Шагаев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Ҳурматли редакция! Кундан кунга турмушимиз фаровонлашмоқда. Рўзғорбоп ҳамма нарса мавжуд. Кир ювиш машиналари, чанг тозалагичлар ва бошқа буюмлар жуда қўл келди. Лекин мен кир ювиш порошокларидан фойдалана олмайман. Сабаб— қайси ҳили бўлмасин, кир порошоги билан ювсам дарҳол қўлларим қизариб-қичишиб, майда нарсалар тошиб кетади. Совун билан кир ювиш эса анча оғир. Нега бундай бўлади? Шу ҳақда мутахассис врач маслаҳатини берсангиз.

М. ХОНБОБОЕВА, ишчи.

Шифокор қабулида

ТЕРИНИНГ АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРИ

Аллергия— грек сўзидан олинган, аллос —бошқа, ергон таъсири, яъни бошқа нарсалар таъсири демакдир. Инсон организмида ҳар хил моддалар ёки ташқи муҳитдан баъзи бир хил омилларнинг (совуқ, иссиқлик, гулларнинг ҳиди ва бошқалар) ёки айрим микроб, вирусларнинг таъсири орқасида келиб чиқадиган касалликларга аллергик касаллик деб аталади. Бундай касалликларни ўрганадиган фанга аллергология фани деб аталади.

Кейинги вақтларда катта ҳимиянинг яхши тараққий этиши натижасида инсонлар ҳаёти учун керакли бўлган кўп миқдорда кимёвий ашёлар, синтетик маҳсулотлар келиб чиқмоқда. Булар ҳам кишиларда, айниқса ўша моддаларга, маҳсулотларга сезувчанлиги кучли бўлган кишиларда аллергик касалликни чақиради. Аллергик касалликни чақирувчи омилларга аллергенлар деб аталади. Аллергенлар ҳаётда жуда кўп тарқалган бўлиб, ҳатто кўз билан кўринмайдиган жуда майда микроб, вируслар, бактериялар ўсимликларда, чанг-тўзонларда, дори-дармонларда ва овқат моддалари таркибида ҳам кўп тарқалган.

Аллергик касалликларининг турлари ва уларнинг белгилари ҳар хилдир. Улар ҳар хил органларни ва системаларни касалантиради. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, аллергик касалликнинг келиб чиқишида наслдан наслга ўтиш омили ҳам катта роль ўйнайди. Кўп аллергик касалликлар наслдан-наслга ўтади.

Аллергик реакциялар асосан икки катта группага бўлинади.

Биринчиси, тезда пайдо бўлувчи реакциялар, иккинчиси аста-секинлик билан пайдо бўлувчи реакциялардир. Тезда пайдо бўлувчи реакцияларда кўпинча аллерген ҳаво йўли, овқат йўли ёки қон орқали организмга киради ва тезда — 15—20 минутлардан сўнг бошланади. Бу вақтда беморнинг умумий аҳволи бирдан оғирлашиб ҳушидан кетиши мумкин (анофилоксия шоки). нафас йўлининг шиллиқ қабатида шиш (отек) пайдо бўлиб, беморнинг нафаси қисади, бурнидан сув келади, баъзан лаблари қизариб, шишиб кетади, терисида эса бир оз кўтарилган қизил рангда майда-чуйда тошмалар тошади ва улар қаттиқ қичиш беради. Бундай ҳодисалар кўпинча баъзи бир хил дори-дармонлар истеъмол қилинганда юз беради. Масалан: антибиотиклардан — пенициллин, стрептомицин, бицилин; мишьяк препаратлари, сульфодемизин ва бошқалар.

Аста-секинлик билан пайдо бўлувчи реакциялар одам организмига аллерген киргандан бир неча соат ёки бир неча суткалардан сўнг келиб чиқади. Бу реакциялар ҳам юқорида айтиб ўтилгандек дори-дармонлар истеъмол қилганда ёки баъзи бир хил таомларни, масалан: қази, тухум, асал, қалампирлик таомларни, мевалардан: қулупнай, лимон, апельсин ва бошқаларни истеъмол қилганда тери устида кўкимтир рангда бўлган тошмалар тошади. Бемор қичишдан, ачишишдан, баъзан иштаҳасининг пасайишидан шикоят қилади. Баъзан беморнинг умумий аҳволи оғирлашади, теридаги тошмалар катталашиб, бир-бири билан қўшилишиб сувлашади. Олди олинмаса кўнгилсиз воқеаларга олиб боради.

Кундалик хўжалигимизда ишлатиладиган кимёвий саноат маҳсулотлари, масалан ҳар хил бўёқлар, лаклар, кир ювишда қўлланадиган порошоклар, косметикада ишлатиладиган баъзи бир хил малҳам (таркибида симоб бўлса), сочларни бўяшда ишлатиладиган бўёқлар (таркибида урсал бўлса), баъзи бир хил ўсимликлар (примула) ёки уларнинг гуллари терига теккандан бир неча соатлар ёки суткалардан сўнг майда-майда қизил доғлар пайдо бўлади, тери яллиғланиб пуфакчалар ёки пуфаклар ҳосил бўлади. тери қичишади, ачишади. Беморнинг ҳарорати кўтарилиб, умумий аҳволи ҳам ўзгаради ва вақтинча бир неча кун иш қобилиятини йўқотади. Булар ҳам иккинчи группага. аста-секинлик билан пайдо бўлувчи реакциялар қаторига киради.

Юқорида эслатилган реакциялар ҳаммада ҳам бўла бермай, шу аллергенларга сезувчанлиги ошиб кетган одамларда учрайди. Терига бўёқлар, гуллар ёки терига сурилган дорилар ёки кир ювишда ишлатиладиган порошоклар натижасида келиб чиққан реакциялларга контактний дерматит деб аталади. Дерматит сўзи лотин сўзи бўлиб. дерма—тери, тит—яллиғланиш, яъни терининг яллиғланиши демакдир.

Кишилар терисида шундай аллергик касаллик юз берса, бемор бу касалликнинг келиб чиқишини. бу сабабларни синчиклаб ўйлашн ва эслаши керак. Яъни истеъмол қилган таомларни, дориларини, нималар билан шуғулланганлигини албатта билиши лозим. Бундан илгари ҳам шундай ҳодисалар бўлган эдими ва йўқми? Баъзи кишилар ўзларида шундай касалликларни учратиб ўрганиб қолганлар, улар шундай реакция берувчи таомларни ва дориларни «Менинг мижозимга тўғри келмайди», деб истеъмол қилмайдилар.

Қурилишда, завод ва фабрикаларда ишловчилар бўёқлар ва лаклар таъсирида терисида аллергик касаллик келиб чиқса, бу вақтда ишчи шундай бўёқлар билан ишлатилмайдиган участкага ўтказилади ёки касбини ўзгартиришга тўғри келади.

Умуман аллергик касалликка мойил бўлган кишилар касаллик сабабларини аниқланганларидан сўнг ўша аллергендан узоқроқ юришлари лозим. Агар касаллик юз берган бўлса, уларнинг врач дермотологга ёки аллерголокка бориб мурожаат қилишларини тавсия этамиз.

С. СОИПОВ,
Ўзбекистон тери ва таносил аъзолари касалликлари илмий текшириш институтининг бош врачи, медицина фанлари кандидати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач.

ҲАР БИР КИШИГА ГАРАНТИЯЛАНГАН

Тошкент шаҳрининг чеккасидаги Чиғатойда республикада энг катта ишчилар санаторий-профилакторийси қад кўтармоқда. В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси механикашларидан тўрт юз киши яқин орада бу ерда ой сайин ўз саломатлигини мустаҳкамлаб олади. Самолётсозларнинг бу ерда «Здоровье» пансионати бор, шунингдек Иссиқкўл соҳилида «Золотие пески» ва тоғ этагида Хумсонда «Кристалл» соғломлаштириш пансионатлари қурилган. Чорвоқ сув омбори зонасида яна битта шундай шифохонани барпо этиш учун майдонча ажратиб берилган.

Ўзбекистон ССР янги Конституциясида механикашларнинг соғлиқларини сақлаш ва дам олиш ҳуқуқлари ёзиб қўйилган. Ана шу ҳуқуқларни амалга ошириш юзасидан бирлашма коллективида катта иш қилинмоқда. Коллективнинг ривожланиш комплекс планига биноан медицина шаҳарчаси қуриш тамомланди. Кўп профилли касалхона комплекси стационарлар, туғруқхона, кунига 1200 киши қатнайдиган поликлиникани, юздан ортиқ ўқитиш-сослаштирилган даволаш ва процедура кабинетларини ўз ичига олади. Беморларга юқори малакали врачлар қарайди, кўзга кўринган медик олимлар маслаҳат бериш учун жалб этилади.

Бу ерда «Старт» спорт клубининг барпо этилиши самолётсозларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олишда катта роль ўйнамоқда. 12 минг ўринли стадион, бир канча спорт заллари бор. 24 спорт ва физкультура секцияларида корхонанинг минглаб механикашлари машғулотларга қатнашмоқда.

(ЎзТАГ).

Жаҳон ойнаси

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ СОҲАСИ

ДЕХЛИ. Корбдаги (Мадьхя-Прадеш штати) аллюминий заводида 60 минг тоннадан зиёд юқори сифатли аллюминий қуйилди. Бу завод шу ой ичида ишга туширилган иккинчи уч йиллигини нишонлайди. Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техникавий ёрдами билан қурилган ва кенгайтирилган бу корхонада қуйиш цехи тўла қувват билан ишлаб турибди, электролиз комплексининг учинчи навбатини ишга туширишга тайёргарлик тамом бўлай деб қолди. Шундан кейин бу завод йилига 100 минг тоннага яқин аллюминий ишлаб чиқаради.

Яқинда Орисса ва Андхра-Прадеш штатларининг территориясида совет геологларининг ёрдами билан жуда бой боксид кони топилди. Бу кон миллий аллюминий саноатини ривожлантириш учун янги истиқболлар очиб берди. Дастлабки маълумотларга қараганда, бу районда боксид заҳиралари 1 миллиард тоннадан ортиқдир.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон унинг шарқий соҳилида йилига 600 минг тоннага яқин гилмоя ишлаб чиқарадиган заводни компенсация асосида қуриш тўғрисида келишиб олишди. Орисса ва Андхра-Прадешдаги янги боксид конлари заводга хом ашё етказиб берувчи база бўлиб қолади.

ҚУЁШНИНГ ЕРДАГИ ХИЗМАТЛАРИ

УЛАН-БАТОР. МХР Фанлар академиясининг физика-техника институти олимлари мамлакатнинг иссиқлик баланси атласини тузиб чиқдилар. Ундан баъзи маълумотларни келтирамиз: Монголияда бир йилда қарийб 300 кун қуёш нур сочиб туради. Ҳар 100 сантиметр майдон 100—140 килокалория ҳарорат олади.

Институтнинг илмий секретари, физика-математика фанлари кандидати Ч. Бямба ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: гап фақат қуёш активлигини қайд қилишдагина эмас, мутахассислар қуёш ҳароратн билан сувнинг иситилиши, холодильниклар, теплиқаларнинг ишлаши қоидаларни тузиб чиқдилар ва ишлатувчиларга топширдилар. Чорвадорлар, жумладан, гелиотанларга юксак баҳо бердилар. Бу унча ҳам мураккаб ишоот эмас. Бинонинг томига бак, трубалар ўрнатилади. 10 квадрат метр ҳажмдаги участка ойна билан қопланади. Бундай «линзада:» қуёш нурлари тўпланади ва сувни 70 даражада иситади. Синов натижалари ҳар йили 7 ой муттасил ишлаб турадиган битта шундай қурилма фермани ёки молхонанинг иссиқ сувга бўлган эҳтиёжини қоплайди, ҳар йили 160 тоннагача кўмирни тежайди. Бунча миқдордаги кўмирни узоқ районларга етказиб бериш учун кўп куч ва маблағ сарфлаш керак бўлар эди.



ОБЪЕКТИВДА— ТАИТИ.

Хушманзара Таити ороли Тинч океанининг шарқий қисмида жойлашган Полинезиянинг энг катта оролларидан бири ҳисобланади. Полинезиянинг маъмурий маркази — Папеэте шаҳри ҳам шу оролда жойлашган.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) Таитининг ёш граждандари; Папеэте кўчаларида (пастдаги сурат).



АСОСИЙ МУХЛИС— СТУДЕНТЛАР

ПРАГА. Чехословакияда кенг оммалашган спорт турларидан бири гандболдир. Бу ерда шу ўйиннинг 40200 мухлиси рўйхатга олинган. Уларнинг кўпчилиги студентлардан иборат. ЧССРда гандболчи қизлар ҳам кам эмас: улар яқинда Братислава. Трнава, Готвальдов ва Хеб шаҳарларида ўтадиган 1978 йилги жаҳон чемпионатининг мехмонларини қабул қиладилар.

СПОРТ МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ

СОФИЯ. Дунайдаги порт-шаҳар— Русада спорт музейи очилди. 1894 йилда шу ерда Болгарияда биринчи «Сокол» спорт жамияти сал кейинроқ эса «Геолог» туристик иттифоқи ташкил қилинганди. Русада Болгарияда биринчи велотрек ҳам очилган эди.

(ТАСС).

Газетхон саволларига жавоб

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

А. ЖУМАЕВ: Ҳурматли редакция! Баҳор пайти бўлгани учунми, кейинги пайтларда ўзимда умумий беҳоллик кучайди, дарров толиқиб қолянман. Врачларга учрашган эдим, улар Р витамини ичишни буюришди. Илтимос, шу витаминнинг шифобахш хусусияти ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Р витамини ёки рутин капиллярлар деворларини мустаҳкамлайди ва уларнинг ўтказувчанлигини идора қилади. Организмда бу витамин етишмаганда геморрагик диатез ёки пурпура деган алоҳида касаллик юзага келади. Умумий беҳоллик, дарров толиқиб қолиш, терига жуда кўп нуқтадек-нуқтадек қон қуюлиши бу касаллик аломатлари ҳисобланади. Тери қизил бўлиб қолади. унинг иккинчи номи пурпура (қизил) деб аталиши ҳам шундан.

Рутин кучли пешоб ҳайдовчи таъсирга эга. қон босимини камайтиради. У кўпгина кучли яллиғланиш ҳодисалари билан кечадиган тери касалликларида: экземаларда, дерматитларда, эритродермияларда қўлланади. Рутин организмдаги оксиданиш процессларини идора этиб, барчоқликни, бош оғришини йўқотади, уйқуни яхшилайди.

Одамнинг Р витамини бўлган суткалик эҳтиёжи 50 миллиграмликни ташкил қилади. У таркибида С витамини бўладиган маҳсулотларда айниқса кўп миқдорда бўлади.

* * *

Р. МУСАЕВА: Кофе қон босимини оширади, деб эшитдим. Шу гап тўғримн? Умуман кофенинг киши фаолиятига кўрсатадиган таъсири қандай? Шу ҳақда билишни истар эдим.

Жавоб: Кофе организмнинг психик ва жисмоний фаолиятини яхшилаш хусусиятига эга. У организмнинг умумий тонусини оширади. Бунинг боиси шундаки, унда шу хоссаларга эга кофеин алкалоиди бўлади. Кофенинг таркибида 1,5—44 процент сув, 10.8— 17.8 процент азотли моддалар, 1,15 — 1,56 процент кофеин, 11— 15 процент ёғ, 0.5—2 процент қанд, 18— 20 процент клетчатка, 4—5,5 процент минерал тузлар, 24— 34 процент азотсиз экстрактик моддалар киради.

Кофе чиндан ҳам қон босимини оширади ва шу сабабли у қон босими паст бўлган одамларга тавсия этилади, у ичак перистатикасини қўзғатади ва енгил сурги воситаси ҳисобланади.

Кофени қайнатиш тавсия этилмайди, чунки у қайнаганда ичимликнинг таъм хусусиятларн бузилади ва хушбўй моддалар учиб кетади. Иложи бўлса, эриб кетадиган кофе ичиш керак. Эрталаб ва тушликда албатта бир стакандан кофе ичиш фойдалидир. У қўзғатувчан таъсирга эга бўлганидан кечаси ётиш олдидан ичиш тавсия этилмайди. чунки кофе уйқуни қочиради. Салга таъсирланадиган, юраги ўйнайдиган. меъда шираси кислоталилиги ортиқ бўлган. қон босими жуда ошган одамлар кофе ичмасликлари керак. Ичак иши суст бўлган ва ичи кетиб турадиган одамларнинг ҳам кофе ичмаганн маъқул.

* * *

Э. РЎЗИБОЕВ: Редакцияга йўллаётган саволим балки ғалати туюлар. Лекин шундай бўлса-да, сўрашга жазм этдим. Яқинда кўшнимизнинг ўғлини ари чақиб олди. Улар жуда шошиб қолишди. Хўш, шундай кезда нима қилиш керак?

Жавоб: Ари чаққан заҳоти суюқ валидол препарати шимдирилган пахта билан ари чиққан ерни бир-икки минут мобайнида ишқалаш лозим. Агар суюқ валидол бўлмаса. таблеткасидан фойдаланиш мумкин. Уй аптечкангизда валидол таблеткаси албатта бўлсин. Ёш болаларни ари чақкан пайтда у жуда ҳам асқотади.

«Заря» студияси яратган

Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг «Заря» ҳаваскорлик студиясида яратилган «Учинчи беш йиллик: самарадорлик ва сифат» фильми меҳнаткашлар ҳаваскорлик ва бадиий ижодиёти Бутуниттифоқ фестивалининг дипломига сазовор бўлди. Корхона ишчилари ва хизматчилари суратга олган лента КПСС XXV съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисида, ишчиларнинг зарбдор меҳнати ҳақида ҳикоя қилади.

Кино ҳаваскорлар ҳозир Мирзачўлни ўзлаштириш ва Янгиер шаҳри тўғрисида ҳикоя қиладиган янги картина устида олиб боришаётган ишни тамомлай деб қолдилар. Янги фильм Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм маблағ ажратиш тўғрисида Ленин декретининг 60 йиллигига бағишланган.

(ЎзТАГ).



«Мосгоррембиттехника» Москва шаҳар бирлашмаси — пойтахтнинг йирик маиший хизмат корхоналаридан биридир. Бирлашма таркибида беш завод ва етанчи корхона мавжуд бўлиб, уларда рўзғор приборлари, чолғу асбоблари ремонт қилинади, заргарлик буюмлари ясалади. Жами 19 миллион сўмлик хиз мат кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида бу йил бирлашма корхоналарида 300 дан знёд янги технология жиҳозлари ўрнатилади.

СУРАТДА: чинни ва биллур буюмларни қайта тиклаш устахонасида.

ТАСС фотохроникаси.

• *Ҳар тўғрида*

ОЛИМЛАР ХУЛОСАСИ

Даниялик олимлар Гренландия музликларини узоқ йиллар давомида тадқиқ қилиб, планетамизда қадим вақтда юз берган иқлим ўзгаришлари ҳақида хулоса чиқаришга ва бу соҳадаги келажак ўзгаришлари тўғрисида ташхисларни айтишга муяссар бўлдилар. Олимларнинг фикрича кейинги 800 йил мобайнида 1930 йилдан 1940 йилгача бўлган ўн йиллик энг иссиқ муддат ҳисобланган. Ҳозир планета иқлими совий бошлаганлиги аён бўлди. Бу совиш яна ўн-йигирма йил давом этади, шундан кейин ҳаво яна исиб кетади. 2010, ҳатто 2020 йилларгача у давом этади, дейишмоқда даниялик олимлар.

КЎҲНА КАСБ

Америкалик олимларнинг фикрича, стоматолог касби ер юзидаги энг кўҳна касблардан ҳисобланар экан. Миср территориясидаги қадимги қабристонлардан бири очилганда одамнинг учта тиши топилган. Унинг моҳияти энди ечилди. Миср топилдиғи бундан 4500 йил илгари номаълум уста томонидан тишларни бир-бирига мустаҳкамлаш учун ясалган махсус планка (кўприк) экан.

«ПРОМЕТЕЙ» ТАКЛИФ ЭТАДИ

Тошкент темирйўлчиларининг маданият саройида «Прометей» драматик театр-студия ташкил этилди. Бу студияда ҳозир йигирма ёш ишчи, студент ва мутахассис машғулотларга қатнашмоқда. Ҳаваскор режиссёрлар ва артистлар саҳнага қўйган биринчи спектаклнинг ҳозирча номи йўқ. Ана шу бадиий ҳаваскорлик коллективи иштирокчиларидан бири ёзган пьесанинг номини ҳамжиҳат бўлиб ўйлашмоқда. Саҳнага қўйилган асарнинг бош мавзуси ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини қидириб топишга бағишланган.

◆ ТЕАТР ҲАЕТИ

САҲНАДА — БРЕХТ АСАРИ

М. Горький номли Тошкент давлат рус академик драма театрида танқидли немис ёзувчиси, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти лауреати Бертольд Брехтнинг «Уч чақалик опера» пьесаси асосида қўйилган спектаклнинг премьераси кўрсатилди. Композитор К. Вайль пьесага музика ёзган. Брехт нўпгина асарлари устида у билан бирга ишлаган эди. Буржуазия жамиятининг иллатларини очиб ташлайдиган бу пьесани театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти О. А. Чернова саҳнага қўйган.

Спектаклда тажрибали артистлар ва театрнинг ёшлари ролларни ижро этишди.

ҲАММА ЁШДАГИ ТОМОШАБИНЛАР УЧУН

Республика ёш томошабинлар рус театрининг Ленин комсомоли 60 йиллигига бағишланган гастроллари Андижонда бошланди. Тошкентнинг ижодий коллективи ишчи ёшлар ва студентлар ҳузурида ўз маҳоратини намойиш қилади, областдаги кўпгина районларнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳузурида меҳмон бўлади. Икки ҳафталик сафар репертуарида кичкинтойлар, ўқувчилар, турли ёшдаги болалар учун спектакллар бор. Булар С. Михалковнинг «Мақтанчоқ қуён», А. Гайдарнинг «Р. В. С.», В. Тендряковнинг «Мактабни битириб чиққандан кейинги тун» ва бошқа пьесалар бор.

(ЎзТАГ).

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 10/V да СССР халқ артисти Саодат ҚОБУЛОВА концерти, 11/V да Травиата.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 10/V да Сахро тор, 11/V да Келинлар қўзголони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/V да Она қизим, 11/V да Муқаддас днёр.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (12, 16, 19.30).

КИНО

10, 11 МАЙДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ—Қамал (3 ва 4 сериялар, кундуз ва кечқурун).

Тақдир— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12, 14.30, 17.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 15, 18, 20.45), ҲАМЗА номли (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қамал— «МОСКВА» (11, 14, 17), «НУКУС» (1 ва 2 серия, кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (3 ва 4 серия, кундуз ва кечқурун).

Узоқ урушдаги қисқа учрашувлар— «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Тиль ҳақида афсона— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (20.00).

ЁЗГИ БИНОДА

Тақдир— «ХИВА» (20.30).

Қамал — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

Ёшлик

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ

«Ё Ш Л И К» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН



6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8—10 синф ҳажмида маълумотли 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.



БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ЕШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР КАССИРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН

БИР ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҲАМ ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАР ОЙДА 64 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

ЎҚУВЧИЛАР АЙНИ БИР ВАҚТДА КЕЧКИ МАКТАБДА ЕКИ САВДО ТЕХНИКУМИДА ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

МАКТАБ-МАГАЗИННИ ТАМОМЛАБ ЧИҚҚАНЛАР КАТТА МАГАЗИНЛАРГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИ ВА УЛАРГА СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИНИНГ КЕЧКИ ЕКИ СИРТҚИ БЎЛИМИГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ.



ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (2, 5, 8, 9, 10, 12, 1, 24, 28-трамвайлар, 2, 3, 9, 22, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати) 33-75-48 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.



Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги ҳунар-техника таълими давлат комитети

2-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ БАЗАСИДАГИ

149-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАСБ ЭГАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИ: **бичиқчилар, пойафзалнинг устки қисмини тайёрловчилар, пойафзал фрезерчилари, якка тартибда тикиладиган пойафзални қолипга тортувчилар, пойафзалнинг тагидаги деталларини мустаҳкамловчилар, слесарь-ремонтчилар, техника контроли бўлимининг контролерлари, электр монтёрлар,**

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1—2 ЙИЛ.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА ЎНДАН КАТТА ЁШДАГИ 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юрти қошида ишчи ёшлар мактаби бор. Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

10 синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар билим юртига киргапларидан кейин ойига 30 сўм ҳажмида стипендия оладилар, 8 синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар эса давлат таъминотида бўладилар— устки кийим-бош ва уч маҳал овқат билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси лавомида барча ўқувчиларга ишлаган иш ҳақининг 50 проценти тўланади. Ўқиш аълочилари олий ва ўрта ўқув юртларига юбориладилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ёзилган ариза. гувоҳномалар: туғилганлиги тўғрисида. маълумоти тўғрисида справкалар: турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан; ўқиш жойидан характеристика, 6 та фотосурат (3Х4 см. ҳажмида).

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ, ЯКШАНБА КУНИДАН ТАШҚАРИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 гача ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Гавҳар кўчаси, 124-уй, 2-пойафзал фабрикаси, Наққошлик кўчаси, 199-уй — 2-пойафзал фабрикасининг ётоқхонаси (84-автобус, 16-троллейбусларнинг «2-пойафзал фабрикаси» бекати). Телефон —78-44-30.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти баққоллик— кондитерлик, гастрономия, гўшт-балиқ, сут маҳсулотлари, газламалар, тикув буюмлари, пойафзаллар, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик молларининг юқори малакали сотувчи-кондитер-кассирларини тайёрлайди.

Ўқиш— 1 сентябрдан бошланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ 1 ВА 2 ЙИЛ.

Билим юртига Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган 15 дан 20 ёшгача (ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 23 ёшгача) **бўлган 8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.**

Билим юртини тугатганларга «кичик сотувчи», «сотувчи», «сотувчи-консультант», «сотувчи-контролёр-кассир» деган малака унвони берилади.

Ўқувчиларга 32 сўм стипендия берилади, етим қолган болаларга, ота-она қаровисиз қолган болаларга ва Улуғ Ватан урушининг I, II группа инвалидларининг болаларига 41 сўмдан стипендия берилади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги илғор магазинларда: Бош универмаг ва «Гастроном» республика конторасига қарашли йирик магазинларда ўтказилади.

Билим юртида ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза. маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асли), туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, таржиман ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 3 дона фотосурат, халқ депутатлари совети шаҳар ижроия комитети савдо бўлимининг йўлланмаси (давлат савдо бўлимининг дирекциясидан йўлланма).

Билим юртининг адреси: Тошкент—173, Чилонзор массиви, Бобир кўчаси, 3-уй (4, 9, 19-трамвайларнинг «Чопон ота», 13, 70-автобусларнинг «Медицина тез ёрдам касалхонаси» бекатлари). Телефон —78-44-30.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

10 МАЙ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

17.30 «Халқ оҳанглари». 17.50 «Жасорат». 18.30 Янгиликлар. 18.45 Чехословакия Социалистик Республикаси телевидениесининг программаси. Чехословакия фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 33 йиллигига бағишланади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Прагадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтларида — «Спортлото» тиражи. Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Вожатий» (рус). 18.30 «Фан» программаси. 19.00 «Миллионлар ленинча университети». «КПСС XXV съезди ривожланган социализм экономикасининг бош масалалари тўғрисида». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Кечки концерт». Телевизион фильм-концерт. 20.00 «Наво» воқал-чолғу ансамбли ижро этади. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Азиз асримизнинг азиз онлари». Ғ. Ғулом туғилган кунининг 75 йиллигига. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Комплекс механизация — пахтачиликда бош йўналиш». 22.15 «Запасдаги офицер». Бадиий фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Гобой». Телевизион бадиий фильм. (рус.). 20.50 «Тошкент» телепрограммаси. «Пойтахт области далаларида». 21.20 «Ишчи эстафетаси». Ҳужжатли фильм. 21.35 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика.

11 МАЙ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Инсон маъсулияти». Бадиий фильм. 11.25 «Киносаёҳатчилар клуби». 13.40 «Меҳнатинг — иқболинг». Кинопрограмма. 16.25 А. Твардовский. «Василий Теркин». 16.55 «Москвабилкларнинг ишчи касблари». 17.25 «Қизил изтопарлар»нинг икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Ф. Федоров билан учрашуви.

18.05 И. Гайди. Виолончель ва оркестр ижроси учун ёзилган концерт. Ижро этадилар: П. И. Чайковский номли V Халқаро конкурс лауреати С. Балтоян (Болгария) ва Москва Давлат филармониясининг академик симфоник оркестри. Дирижёр — Қозогистон ССР халқ артисти Ф. Мансуров. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Тинчлик учун кураш авангардида». 19.15 Белорус Давлат халқ хорининг концерти. 19.45 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Прагадан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Останкино концерт студиясида Р. Казаковнинг ижодий кечаси. 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «КПСС — совет халқининг раҳбар ва етакчи кучи». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Волга Ока дарёси билан учрашган ерда». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «КПСС — совет халқининг раҳбар ва етакчи кучи». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 13.00 Х. Х. Ниёзий. «Холисхон». Ю. Ражабий. номли Жиззах область музикали драма театрининг спектакли.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Красноярь ёшлиги». Болалар учун фильм-концерт. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 18.45 «Зангори экран» почтаси». 19.15 «Ахборот». информацион программаси (рус.). 19.30 «Само ва ер оралигида». Ҳужжатли фильм. 19.50 «Шеърият билан учрашув». Омон Мухтор. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Абдурайим Аҳмадий куйлайди. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Иқтисодий билимлар — оммага». 22.15 «Телевидение экранида биринчи марта». «Бегона ҳатлар». Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Абитуриентлар учун. Физика. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Классик куй саҳифалари». 21.00 «Қизиқарли математика». 21.40 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг

ЭЛЕКТР ҲЎЖАЛИГИ

15 майдан бошлаб

контактли-кабел тармоқларининг электромонтёрлари (ўқиш муддати — 3 ой, стипендия— 100 сўм) ҳамда тортиш подстанцияларига хизмат кўрсатиш ва тузатиш бўйича электромонтёрлар (стипендия —60 сўм) танёрлайдиган

КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри 29, Ўзбекистон кўчаси, 41-«а»-уй.

Октябрь районидаги 3-маданият уйи ходимлари ва «Вақт» воқал-хореографик халқ ансамбли коллективи район маданият бўлими мудири М. А. Муҳаммадконова онаси

Инобат ҚОСИМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ҳаракат хавфсизлиги учун

Жамоатчиликнинг амалий ёрдами

Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бутуниттифоқ баҳорги кўриги тугалланди. Бу кўрик йўл-транспорт ҳодисаларини камайтиришнинг қудратли воситаси бўлди, йўл ҳаракати интизомини бир мунча оширишга ёрдам берди. Ана шу кўрикда Тошкент шаҳридаги автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамияти ҳам актив қатнашди. Ўз сафларига 12 мингдан кўпроқ кишини бирлаштирган жамият ташкил топгандан буён ўтган тўрт йил мобайнида шаҳримизда йўл ҳаракати хавфсизлиги учун курашнинг асосий марказларидан бири бўлиб қолди. Жамиятнинг ишлари, вазифалари тўғрисида унинг раиси В. Манойлов ҳикоя қилади.

1974 йилда Тошкентда автомотоҳаваскорларнинг кўнгилли жамияти тузилишининг асосий сабабларидан бири — шаҳримиз кўчаларида хусусий автотранспорт воситаларининг кескин кўпайганлигидир. Масалан, ҳозир шаҳер Давлат автоинспекцияси ҳисобида 60 мингдан кўпроқ хусусий автомобиллар, мотоциклар, мотороллерлар бор. Ана шу транспорт воситалари эгаларини ягона коллективга бирлаштириб, кўча ҳаракати қатнашчиларининг бу группаларини транспорт воситаларини бошқаришдаги масъулиятлари ва интизомларини юксак даражага кўтариш — жамиятимизнинг ўз олдига қўйган асосий вазифаси ҳисобланади.

Бу мақсадга кўпгина ишлар орқали эришилмоқда. Масалан, жамият қошида автомобиль мактаби муваффақиятли иш олиб бормоқда. Бу мактабда малакали ҳаваскор ҳайдовчилар тайёрлаш учун барча зарур шарт-шароитлар бор. Утган йилнинг ўзидагина мактабимизда 600 кишига хусусий автомобилни бошқариш тўғрисидаги гувоҳнома берилди. Мактаб қошида очилган курсларда тошкентликлардан икки мингдан ортиқ ҳайдовчи ўз малакасини оширди. Бу курсларда техника минимуми программаси асосида ресурслари ҳолатини чамалаш, бу ерда давлат қўриқхонасини ташкил этиш борасида конкрет таклифлар тайёрлаш экспедициясининг олдида турган вазифадир.

Кўп сонли секциялар ҳам жамият аъзолари ўртасида оммалашган. Масалан, туризм ва автомото саёҳат, йўл ҳаракати хавфсизлиги, техника ижодкорлиги, пропаганда ва агитация секцияларининг аъзолари Ленинград кўчасидаги 30-уйда жойлашган ўз клубларида пайшанба кунлари соат олтида машғулотга йиғиладилар. Шуни айтиш керакки, секцияларгаги машғулотлар доимо қизиқарли, ишда катта наф берадиган даражада олиб борилади. Автомотоҳаваскорлар клубда ҳаракат хавфсизлиги ёки транспортнинг техника ҳолати билан боғлиқ бўлган ўзларини қизиқтирувчи ҳар қандай масалалар бўйича консультация олишлари мумкин. Тинчловчилар ҳузурида давлат автоинспекциясининг масъул ходимлари, юристлар, автомобиль ишининг мутахассислари доклад қиладилар ва суҳбат олиб борадилар.

Шаҳар автомотоҳаваскорлар жамияти аъзолари учун огоҳлантирувчи махсус талоннинг жорий этилганлиги ана шу жамият обрўси ошганлигидан далолат бериб турибди. Эндиликда жамиятимиз аъзоси бўлган автоҳаваскор маълум даражада йўл ҳаракатини бузиб тўхтатилган тақдирда, ундан махсус талон олиб қўйилади ва таъсир чораси қўллаш учун жамият ташкилотларига юборилади. Асосий талон тешиб берилмайди. Шуни айтиш керакки, махсус талонлар жамиятнинг энг интизомли, энг актив аъзоларигагина берилади, бу шунинг учун ҳам хайдовчилар составини тарбиялашнинг амалий воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бошланғич ташкилотлар автомотоҳаваскорлар шаҳар жамиятининг асоси ҳисобланади, десак муболага бўлмайди. Ҳозир бошланғич ташкилотлар сони 220 дан ошиб кетди. Ана шу бошланғич ташкилотларнинг асосий кўпчилиги доимо жамоатчилик томонидан ўтказиладиган тадбирларнинг ҳаммасида фаол қатнашиб келадилар. Масалан, Киров районидаги 66-автомотоҳаваскорлар бошланғич ташкилотини олиб қурайлик. Унинг составида юздан ортиқ киши бор. Бу аъзолар қисқа муддатда автомашиналар тўхтайдиган жойни жуда яхши жиҳозладилар. Ана шу майдонда ёритиш, сув таъминоти, машғулот ўтказиш хоналари мавжуд бўлиб, теварак-атроф кўкаламзорлаштирилган, машиналар қаровсиз қолмайди. Бошланғич ташкилотларнинг аъзолари уюшган ҳолда йиллик автотранспорт техника кўригини ўтказадилар, турли масалалар юзасидан консультациялар уюштирадилар. Ана шу бошланғич ташкилот аъзолари йўл ҳаракати қоидаларини тўрт йил мобайнида бирон марта ҳам бузмаганликлари, улар ўртасида олиб борилган пропаганда ва агитация ишлари самарасидир. Республика гўшт-сут саноати министрлиги, лойиҳалаш институти қошидаги бошланғич ташкилотлар ҳам шундай мақсадга мувофиқ иш олиб бормоқдалар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкинки, улар йўл ҳаракати хавфсизлигини оширишда жамоатчилик ҳар қандай масъулиятли вазифаларни ҳал этишга қодир эканлигидан далолат бериб турибди.

В. МАНОЙЛОВ,
Тошкент шаҳар автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамияти Советининг раиси.

• *Инсон ва табиат*

МУҲОФАЗА ЁРЛИҒИНИ ЁЗИШАДИ

Сариқамиш чўкмасининг жанубий-ғарбида жойлашган Қоплонқирга— Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон чегаралари туташган жойга шу қардош республикалар олимларининг комплекс экспедицияси жўнаб кетди. Қоплонқир ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини тавсифлаш, озуқа ресурслари ҳолатини чамалаш, бу ерда давлат қўриқхонасини ташкил этиш борасида конкрет таклифлар тайёрлаш экспедициянинг олдида турган вазифадир.

Аввал яшаб келган жойларидан сиқиб чиқарилган туёқли ҳайвонлар, йиртқичлар, кемирувчилар, судралиб юрувчилар табиат қўл тегизилмаган ҳолда сақланган шу қирни макон қилиб олган. Кўплари «Қизил дафтар»га ёзилган ҳайвонот ва паррандалар: Уст-Юрт қўйи ва гепард, қорсоқ ва қоранол, асал-хўр, чўл бургути шу ерда яшайди. Қоплонқирдаги ҳайвонот ва ўсимликларнинг ноёб ва йўқолиб бораётган турларини сақлаш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш ҳам илмий экспедициянинг программасига киради.

(ЎзТАГ).

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

10 МАЙ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83, қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан маънтаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70, аъзолик бўлими— 33-81-42.

Р—06448.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1304.